



БОШЛАНҒИЧ НАРХНИ ПАСАЙТИРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКЦИОН ОРҚАЛИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАРИДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Замира Шералиева, Азизбек Турсунбоев, Наргиза Уринова
Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ-85 гуруҳ талабалари

Аннотация: ушбу мақолада бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали тижорат банкларида харидларни амалга ошириш механизми ёритилган.

Калит сўзлар: бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион мезонлари, аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон, комиссиян йиғим, закат қиймати, аукцион савдолари механизми.

Тижорат банкларида бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;
- товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;
- товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бўлган миқдорини ташкил этиши керак.

Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион объекти бўла олмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади. Бунда мазкур норма белгиланган сифат стандартларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади. Аукционда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига эълон жойлаштиради. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон у амалга оширилишидан камида беш иш куни аввал жойлаштирилиши керак.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- давлат буюртмачисининг номи ва манзили;



- аукционнинг биринчи ва охири куни (аукцион ўтказиладиган давр);
- аукцион предметининг бошланғич нархи;
- аукцион предмети ва унинг хусусияти (аукцион предметининг таснифи);
- товарнинг миқдори;
- товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;
- товарлар етказиб бериладиган жой (манзил);
- товарнинг амалдаги стандарт талабига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги ҳақидаги талаб;
- товар мажбурий сертификатлаштирилиши талаб этиладиган ҳолларда, мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиологик хулоса мавжудлиги тўғрисидаги талаб;
- зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги талаб;
- товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи шартлар.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг ва давлат буюртмачиси буюртманомасининг матнига аукцион предметига тааллуқли бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган талабларни киритиш тақиқланади.

Махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилган аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон автоматик равишда давлат буюртмачисининг буюртманомаси этиб ўзгартирилади.

Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади. Аукционни ўтказиш, киритилган таъминот суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича аукциондан фойдаланиш, аукцион ғолибларини аниқлаш, битимни рўйхатдан ўтказиш ва шартномани шакллантириш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Давлат харидлари тизимида рўйхатдан ўтгандан сўнг, иштирокчи Ҳисоб-китоб клиринг палатасига аванс тўловини киритади.

Бунда комиссия йиғимлар – шартнома қийматининг 0,15% миқдorigа тенг. Закалат қиймати – бошланғич нархининг 3% ни ташкил этади. Закалат маблағларини киритмасдан сиз электрон харидларида иштирок етай олмайди.



Иштирокчи электрон харидларда иштирок этиш учун шахсий кабинетга электрон рақамли имзо ёрдамида киради. Ҳар иккала сайт бўйича шахсий кабинетлар функционал жиҳатдан ўхшашдир.

Электрон аукционда иштирок этиш учун зарур лотни топиш керак бўлади. Бунинг учун шахсий кабинетнинг ўнг томон бурчакдаги “Филтр кўрсатиш” тугмаси босилади ва “Филтр” бўлимига ўтилади.

Зарур параметрлар киритилади ва “Қидирув” тугмаси босилади. Қидиришни куйидаги параметрлар бўйича амалга ошириш мумкин:

- лот рақами ёки номи;
- товар категорияси
- рўйхатдан товар танлаш
- ўртача суммаси
- ҳудуд
- туман
- буюртмачининг стир
- муддати

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланадиган пайтга қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

Зарур лот танлангандан сўнг сиз бевосита онлайн аукционда иштирок этиш мумкин. Ҳар икки йўналишда ҳам порталга жойлаштирилган лот 15 кун давомида фаол бўлади. Шу вақт мобайнида иштирокчилар бошланғич нархни 2% миқдорда босқичма-босқич пасайтириб бориш йўли билан нарх таклиф қиладилар. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан 15% ва ундан паст миқдорда бўлса, бошланғич ва таклиф этилган нарх ўртасидаги фарқ қилаётган қийматда қўшимча зақалат киритилиши талаб этилади.

Аукцион тугайдиган вақт келганда давлат харидларининг электрон тизими аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ғолиби сифатида давлат харидларининг электрон тизими томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилиб,



ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва давлат буюртмачисининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

Аукцион уни ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатда (сана ва вақт), бироқ охириги таклиф келиб тушган вақтдан сўнг беш минутдан кам бўлмаган вақтда тугаган деб ҳисобланади. Мазкур вақт ичида янги таклиф берилган тақдирда, иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати охириги таклиф олингандан сўнг яна беш минутга узайтирилади. Бунда, аукционнинг тугаш муддати операторнинг иш куни ва иш вақтига тўғри келиши лозим.

Иштирокчи ўзи етказиб бериши мумкин бўлган товар бўйича буюртмаларни қидираётганда, товарнинг етказиб бериш шартлари, унинг спецификаси ва буюртмачининг алоҳида талабларини, албатта, кўздан кечириши лозим. Агар иштирокчи бу шартларни бажара олмаса ёки товар белгиланган талабларга мос келмаса, у инсофсиз иштирокчиларнинг ягона реестрига киритилиши мумкин.

Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди. Давлат буюртмачиси аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни ушбу Қонун талабларига мувофиқ электрон дўкон воситасида ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya". 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya", 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ". 2010;804.
4. Malikov T, Naydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA". 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya". 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan. ". International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).



8. У Ўроқов, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
10. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE.JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
11. N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
12. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
13. Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳукукий асослари.«Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
14. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
15. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
16. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
17. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today.". Market, money and credit" magazine. 2018(8).
18. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
19. О'роқов УY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» ОК. 2022.
20. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳукукий асослари.«. Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
23. Хайдаров Н. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
24. Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.:“IQTISOD-MOLIYA, 2007
25. N Khaydarov.International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021